

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси  
Ижроия қўмитасининг 2026 йил 20 05 даги  
Л-03 "с" сонли қарорига 2-шова

## **“Экологик фаол қасаба уюшмаси жамоаси” Республика танлови НИЗОМИ**

### **I. Умумий қондалар**

1.1. Мазкур Низом “Экологик фаол қасаба уюшмаси жамоаси” Республика танловини (кейинги ўринларда “танлов” деб аталади) ўтказиш тартиби ва шартларини белгилайди.

1.2. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси танловнинг ташкилотчиси ҳисобланади.

1.3. Мазкур танловга умумий раҳбарлик Ташкилий қўмита (қарорга асосан) томонидан амалга оширилади.

### **II. Танловнинг мақсади**

#### **2.1. Танловнинг асосий мақсади:**

ишлаб чиқариш жараёнида экологик нормалар ва талабларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш;

ходимларнинг экологияга оид ҳуқуқий онгини шакллантириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги масъулиятини кучайтириш;

экологик соҳада юқори натижаларга эришадиган жамоаларни аниқлаш, уларнинг иш тажрибасини бошқа корхона, ташкилот ва муассасаларда (кейинги ўринларда “ташкилот” деб аталади) татбиқ этиш ва рағбатлантириш;

иш жойларида кўкаламзорлаштириш ишларини тизимли ташкил этиш ва энергия тежамкор технологияларни жорий қилишга кўмаклашиш;

иш жараёнида ташкилотларда юзага келиши мумкин бўлган экологик хавф-хатарларни камайтириш ва ходимлар саломатлигини сақлаш;

ташкилотларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда қасаба уюшмаларининг ролини ошириш;

ходимлар ўртасида экологик тарғибот ишларини олиб бориш, уларнинг экологик онги ва масъулиятини шакллантириш;

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ташкилот ҳудудларида манзарали ва мевали дарахтлар экиш, “яшил ҳудудлар” яратиш ишларида жамоа фаоллигини таъминлаш;

ишлаб чиқаришда энергия ва сув тежовчи технологияларни қўллаш, чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш тизимини йўлга қўйиш ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

ходимлар учун хавфсиз ва экологик тоза меҳнат шароитларини яратиш, ишлаб чиқаришнинг экологик зарарини минималлаштириш.

экологик соҳада энг яхши натижа кўрсатаётган фаол касаба уюшмаси жамоасини аниқлаш ва уларнинг иш услубларини республика миқёсида кўрсатиш;  
экологик муаммоларни ҳал этишга қаратилган таклифларни ва инновацион лойиҳаларни илгари сурган ходимларни тақдирлашдан иборат.

### **III. Танловни ўтказиш тартиби**

3.1. Танлов ҳар йили ташкилотларнинг касаба уюшмаси жамоалари ўртасида ўтказилади. Тақдирлаш тадбирларида жамоа номидан бошлангич касаба уюшмаси кўмитаси вакили иштирок этади.

3.2. Танлов уч босқичда ташкил этилади.

**I-босқич: Худудлар (вилоятлар) миқёсида ўтказилади.**

Йилнинг май-июль ойларида худудда жойлашган ва танловда иштирок этиш учун ушбу Низомда белгиланган тартибда ҳужжатларни тақдим этган барча тармоқ ташкилотларнинг касаба уюшмаси жамоалари ўртасида ўтказилади ва худуддаги ҳар бир тармоқ бўйича 1-, 2- ҳамда 3-ўрин эгалари аниқланади. 1-ўринни эгаллаган жамоа танловнинг **II-босқичида** қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади, диплом билан тақдирланади ва Тармоқ босқичида иштирок этиши учун ҳужжатлари баённома ва қарор нусхаси билан **I-босқич** Комиссияси томонидан тармоққа (тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашига) етказиб берилади. Ушбу танловда 1-ўринни эгаллаган жамоага Федерациянинг худудий кенгашлари маблаглари ҳисобидан эсталик совғаси берилади.

**II-босқич: Тармоқлар миқёсида ўтказилади.**

Йилнинг август ойида I-босқичда голиб бўлган жамоалар ўртасида ўтказилади ва 1-, 2- ҳамда 3-ўрин эгалари аниқланади. 1-ўринни эгаллаган жамоа **III-босқичида** иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади, диплом билан тақдирланади ва Якуний босқичда иштирок этиши учун ҳужжатлари баённома ва қарор нусхаси билан **II-босқич** Комиссияси томонидан **III босқич** ташкилий кўмитасига етказиб берилади. Танловда 1-ўринни эгаллаган жамоага тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши маблаглари ҳисобидан совға берилади.

**III-босқич: Республика миқёсида Федерация томонидан ўтказилади.**

Йилнинг сентябрь ойида Республика миқёсида **III-босқич** Комиссияси томонидан очик ёки ёзма равишда овоз бериш йўли билан 1-, 2- ҳамда 3-ўрин соҳиблари аниқланади.

### **IV. Танлов иштирокчилари ва уларга қўйиладиган талаблар**

4.1. Танловда иштирок этишни истаган талабгорлар I-босқичнинг Ташкилий кўмитасига танлов ўтказилишидан камида 10 кун олдин қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим, хусусан охирги бир йилликдаги:

а) Ташкилот ихтиёрида янгидан барпо этилган яшил худуд, “Касаба уюшмаси боғи” яратилганлиги.

б) Ташкилотнинг локал ҳужжатларида экологик фаол жамоани шакллантиришга оид нормаларнинг белгиланиши.

в) Жамоа шартномаси мажбуриятларида экологик хавфсизлик ва меҳнат гигиенаси бўйича алоҳида бўлим ёки бандларнинг киритилганлиги.

г) Жамоа томонидан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш мавсумида (*баҳор ва куз фаслларида*) ташкилот худудида ёки бириктирилган

майдонда экилган манзарали ва мевали дарахтлар ҳамда буталарнинг умумий сони ва уни парваришlashда фаол иштирок этилганлиги *(бир йилда экилган сони)*.

д) Экиш учун танланган дарахт турларининг маҳаллий иқлим ва тупроқ шароитига мослиги.

е) Кўкаламзорлаштириш, «яшил боғ», «яшил белбоғ»ларни ташкил этилганлиги, сугориш тизимларини ўрнатилгани, жумладан, томчилатиш, ёмғирлатиш ва контейнерли (қопли) сугориш тизимини жорий қилинганлиги.

ж) «Яшил майдон» инфратузилмасини яратилганлиги:

- масъулларни бириктириш;

- электрон платформа яратиш;

- мавжуд барча дарахтларнинг рақамли харитаси ёки паспортини яратиш;

- ходимларни кенг жалб қилиш.

з) Экологик тарғибот ва тарбия тадбирлари ўтказилганлиги.

и) Ёшларнинг экологик маданиятини ошириш ва уларнинг экологик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш лойиҳалари.

к) «Экотуризм» акцияси ўтказилганлиги.

л) «Тоза ҳаво» умуммиллий лойиҳаси доирасида, жамоанинг «Автомобилсиз кун», «Автомобилсиз ҳафта» акциялари ўтказилганлиги.

м) Иш жойларида «Яшил иш ўринлари» жорий этилганлиги.

н) Энергия тежамкорлигини таъминлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланилиши:

энергия тежовчи ускуналар ва технологияларни жорий қилиш;

диодли (LED) лампалар, тежамкор энергия қурилмаларидан фойдаланиш;

муқобил энергия манбалари, жумладан, қуёш панеллари ва шамол турбиналарини жорий қилиш;

бино ва иншоотларда табиий ёруғликдан кенг фойдаланиш;

бино ва иншоотларда энергияни тежаш учун юқори сифатли изоляциядан фойдаланиш;

сувни тежайдиган қурилмалар ва технологияларни жорий этиш;

ёмғир сувларини тўплаш ва улардан фойдаланиш;

оқова сувларни тозалаш иншоотларини ўрнатиш ва оқова сувлардан қайта фойдаланишни (10 — 20 фоизга) ташкил этиш.

о) Ташкилотнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш, атмосферага зарарли моддалар ташламаларини онлайн мониторинг қилиш тизимини жорий этиш ва атмосфера ҳавосига ташламаларни камайтириш учун қуввати 99,5 фоиз фильтр ўрнатилганлиги.

п) Ташкилот томонидан яшил лойиҳаларни жорий этиш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматларни кўрсатишда технологик жараёнларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш *(кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан таққосланган ҳолда)* кўрсаткичини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

Иш ҳақидан ва унга тенглаштирилган тўловлардан қарздорлиги бўлган ташкилотларнинг қасаба уюшмаси ташкилоти Танловга қўйилмайди.

## **V. Танлов иштирокчиларини баҳолаш тартиби**

5.1. Танлов иштирокчилари қарорнинг I-иловасидаги “Танлов комиссияси” (кейинги ўринларда “Комиссия” деб аталади) томонидан ушбу Низомнинг I-иловаси - “баҳолаш мезони”га асосан баҳоланади.

5.2. Комиссия танлов шартлари бўйича иштирокчиларни баҳолашда ижтимоий адолат, тенглик, иштирокчилар ўртасидаги соғлом рақобат принципларига амал қилишга мажбурдирлар. Улар танловга оид қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

5.3. Баҳолаш якуни бўйича энг юқори балл тўплаган жамоа ғолиб деб топилади.

5.4. Икки ёки ундан ортиқ иштирокчи бир хил балл тўплаган ҳолатда, Комиссия очиқ овоз бериш йўли билан ғолибни аниқлайди. Бунда тақдим этилган ҳужжатларнинг сифати ва ташкилотда ўтказилган экологик тадбирларнинг самарадорлиги асосий мезон ҳисобланади. Комиссиянинг баҳоси бўйича овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда, Комиссия Раисининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

5.5. Ҳар бир босқичда энг юқори балл олган битта иштирокчининг ҳужжатлари, Комиссия хулосаси кўрсатилган баённома ва қарор билан бирга, юқори Комиссияга тақдим этилади.

## **VI. Иштирокчиларнинг мажбуриятлари**

6.1. Танлов иштирокчиси:

танловга тақдим этилган барча ҳужжатлар, фото ва видео материалларнинг тўғрилиги ҳамда ҳақиқатга мослигини таъминлаши;

танлов ташкилотчиларининг танловни тартибли ўтказиш билан боғлиқ талабларига амал қилиши;

Комиссиянинг иштирокчиларни баҳолаш юзасидан чиқарган қарорларига нисбатан ҳурмат билан ёндашиши шарт.

## **VII. Танловни ташкил этиш, ғолибларини тақдирлаш ва танловни молиялаштириш манбаси**

7.1. Танловнинг I-босқичини ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар Федерациянинг ҳудудий кенгашлари маблағлари ҳисобидан қопланади.

7.2. Танловнинг II-босқичини ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар Тармоқ қасаба уюшмалари Республика кенгашлари маблағлари ҳисобидан қопланади.

7.3. Танловнинг III-босқичи ғолибларини тақдирлаш Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг қасаба уюшмаси бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7.4. Танловнинг I-босқичида 2- ва 3-ўринни олган иштирокчилар мос равишда базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 (олти) ва 4 (тўрт) баробаридан кам бўлмаган миқдорда қимматбаҳо совғалар ва диплом билан тақдирланади.

7.5. Танловнинг II-босқичида 2- ва 3-ўринни олган иштирокчилар мос равишда базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 (саккиз) ва 6 (олти) баробаридан кам

бўлмаган миқдорда қимматбаҳо совғалар ва диплом билан тақдирланади. Танловнинг голиб бўлмаган иштирокчилари базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 (олти) баробаридан кам бўлмаган миқдорда қимматбаҳо совғалар ва “иштирокчи дипломи” билан тақдирланади.

7.6. Танловнинг III-босқичида голиб бўлган 1-, 2- ва 3-ўрин соҳибларига мос равишда базавий ҳисоблаш миқдорининг 12 (ўн икки), 11 (ўн бир) ва 10 (ўн) баробаридан кам бўлмаган миқдорда қимматбаҳо совғалар ва диплом билан тақдирланади. Танловнинг голиб бўлмаган иштирокчилари базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 (саккиз) баробаридан кам бўлмаган миқдорда қимматбаҳо совғалар ва “иштирокчи дипломи” билан тақдирланади.

### VIII. Яқуний қоидалар

8.1. Иштирокчи фаолияти ушбу Низомда белгиланган қоидаларга зид равишда баҳоланганлиги ёки ёлғон маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланса, III-босқич Комиссияси қўйи босқич Комиссиялари қарорларини бекор қилиши ва шу асосда ушбу иштирокчини танловдан четлатиш бўйича қарор қабул қилиш ҳамда жойига чиқиб ўрганиш ҳуқуқига эга.

8.2. Танловнинг тегишли босқичлари яқунлари бўйича Комиссия баённомалари, қарорлари устидан тушган шикоятлар III-босқич Комиссияси томонидан кўриб чиқиб, ҳал этилади. Хулосадан норози бўлган иштирокчининг ҳужжатлари Федерация раисининг Фармойиши билан тузиладиган “Апелляция комиссияси” томонидан кўриб чиқилади.

8.3. Апелляция комиссияси хулосаси қайта кўриб чиқилмайди.

8.4. Танловни ўтказиш муддатлари амалдаги ҳолатдан келиб чиқиб, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўзгартирилиши мумкин.

Танловнинг III-босқичи голибларини тақдирлаш маросимини йилнинг ноябрь ойида – “Ўзбекистон қасаба уюшмалари куни” арафасида ўтказилади.

8.6. Танловни ушбу Низом талаблари ҳамда қонунийлик, ошқоралик адолатлилик, тенглик каби принципларга риоя қилган ҳолда ўтказишга I-, II- ва III-босқич Комиссияси раислари ҳамда аъзолари шахсан масъул ҳисобланади.

8.7. Ушбу Низом билан тартибга солинмаган масалалар Федерациянинг Ижроия қўмита қарори билан тасдиқланган “Ташкилий қўмита” томонидан ҳал этилади.

8.8. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

*"Экологик фаол касаба уюшмаси  
жамоаси" Республика танлови  
Низомига 1-илова*

**"Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси" Республика танлови  
иштирокчиларини баҳолаш мезонлари**

1. Тармоқ касаба уюшмасининг номи \_\_\_\_\_

Касаба уюшмаси ташкилоти номи \_\_\_\_\_

Манзили \_\_\_\_\_

Веб-портал ёки саҳифаси \_\_\_\_\_

Ташкилот ходимлари сони, жами \_\_\_\_\_, шундан аёллар \_\_\_\_\_

Ташкилотдаги иш ўринлари сони \_\_\_\_\_

Зарарли ва (ёки) хавфли иш ўринлари сони \_\_\_\_\_

2. Касаба уюшмаси қўмитаси раиси (Ф.И.Ш): \_\_\_\_\_

тел.рақами \_\_\_\_\_ факс \_\_\_\_\_ e-mail: \_\_\_\_\_

3. Касаба уюшма қўмитаси (ёки ташкилоти) раисининг асосий лавозими \_\_\_\_\_

*(Штат (асосий иш жойи) ёки Жамоатчилик асосида (қўнғилиб/бета))*

4. Кўрик-танлов ўтказилган йил давомида ўтказилган экологик тадбирлар сони \_\_\_\_\_;  
жамоа иштирокида оммавий \_\_\_\_\_; айрим ходимлар иштирокида \_\_\_\_\_

*"Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси" республика танловининг саралаш  
босқичида ташкилотлар махсус кўрсаткич ва баҳолаш мезонлари, яъни балларга  
асосланган баҳолаш тизими бўйича сараланади.*

*Комиссияга фақат рақамлар эмас, балки ҳаққоний далиллар тақдим этилиши  
шарт:*

*Экилган дарахтлар сони ва сугориш тизимлари ҳақида батафсил маълумотнома.*

*Ташкилотнинг "эко-ўзгаришлари" акс этган фото ва видеоҳисоботлар.*

*Иқтисод қилинган ресурслар (сув, электр энергияси, газ, қовоз ва б.) бўйича  
солиштирма таҳлиллар*

*Комиссия ташкилот тақдим этган асослантрувчи ҳужжатларни (тузилган  
шартнома, ҳисобот, маълумотнома, фото ва видеоматериаллар ва б.) ўрганиб, қуйидаги  
асосий кўрсаткичларга кўра голибни аниқлайди:*

№	Кўрсаткич номи	Баҳолаш мезонлари*
1.	Ташкилот ихтиёрида янгидан барпо этилган яшил ҳудуд, "Касаба уюшмаси боғи" яратилганлиги	"Касаба уюшмаси боғи" яратилгани – 5 балл
2.	Ташкилотнинг локал ҳужжатларида экологик фаол жамоани шакллантиришга оид нормаларнинг белгиланиши	Ички меҳнат тартиби қоидаларида– 2 балл Йиллик иш режаларида– 2 балл Тадбирлар, эко-дарслар ва акциялар жадвали мавжудлиги – 1 балл, бажарилиши – 2 балл

Т/р	Курсаткич номи	Баҳолаш мезонлари*
3.	<p>Жамоа шартномаси мажбуриятларида экологик хавфсизлик ва меҳнат гигиенаси бўйича алоҳида бўлим ёки бандларнинг киритилганлиги</p>	<p>Экологик хавфсизлик ва меҳнат гигиенаси тадбирлари:</p> <p>Жамоа томонидан дарахт экиш тадбирлари ва жамоа аъзолари иштирокида ўтказиладиган экологик хашарлар ва ҳудудларни тозалаш ишларини ташкил этиш – 2 балл</p> <p>Ишлаб чиқаришда экологик зарарни камайтирувчи янги гоёлар ёки лойиҳаларни рағбатлантириш – 2 балл</p> <p>Ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва табиатни асраш бўйича ўқув машғулотлар ва семинар-тренинглар ўтказиш – 2 балл</p> <p>Ходимнинг экологик фаровонлигини оширишга қаратилган тадбирлар мавжудлиги (куёш панеллари, электромобиль, сув филтрлари, кўчат ва х.к. харид қилиш учун фондсиз ссудалар бериш)</p> <p>Ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш ва экология бўйича вакиллар сайланиши ва уларнинг фаолияти рағбатлантирилиши – 2 балл</p> <p>Иш жараёнида рақамли тизимларга ўтиш орқали қоғоз сарфини реал қисқартириш – 2 балл</p> <p>Иш жойларида чиқиндиларни (қоғоз, пластик, шиша, маиший чиқинди) алоҳида йиғиш учун махсус қутиларнинг ташкил этиш – 2 балл</p> <p>Хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, ишлаб чиқаришда ходимларнинг захарли газлар ва чанглардан химояланганлиги, филтрация тизимларининг созлиги – 2 балл</p> <p>Ходимлар учун дам олиш хоналари, яшил бурчаклар ташкил этилиши ҳамда иш жойининг санитария-гигиена ҳолати яхшиланиши, эко-саломатлик тадбирларининг тизимлилигини таъминлаш – 2 балл</p> <p>Жамоа ўртасида экологик қонунчилик ва табиатни муҳофаза қилиш мавзуларида семинарлар, давра суҳбатлари ва танловлар ўтказиш орқали эко-маданиятни юксалтириш – 2 балл</p> <p>Қасаба уюшмасининг яшил ташаббуслари ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилишини рағбатлантириш – 2 балл</p>
4.	<p>Жамоа томонидан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш мавсумида (баҳор ва куз фаслларида) ташкилот ҳудудида ёки бириктирилган майдонда экилган манзарали ва мевали дарахтлар ҳамда буталарнинг умумий сони ва уни парваришда фаол иштирок этиш (бир йилда экилган сони)</p>	<p>100 нафаргача ходими бор ташкилотлар учун – 50 дона кўчат – 5 баллгача,  100 – 500 нафар ходими бор ташкилотлар учун – 50 – 500 дона кўчат – 5 баллгача,  500 – 5000 нафар ходими бор ташкилотлар учун – 500 – 5000 дона кўчат – 5 баллгача,  5000 – 10 000 нафар ходими бор ташкилотлар учун – 5000 – 10 000 дона кўчат – 5 баллгача,  10 000 нафар ва ундан ортиқ ходими бор ташкилотлар учун – 10 000 дона кўчат – 5 баллгача</p> <p>Экилган кўчат дарахтларининг кўқариши ва ўсиши, уларнинг парваришини таъминлаш фондларида ҳисобга</p>

T/р	Кўрсаткич номи	Баҳолаш мезонлари*
		олинадан ва 70 фоиздан ортиқ кўрсаткич учун 3 балл қўшилади
5.	Экиш учун танланган дарахт турларининг маҳаллий иқлим ва тупроқ шароитига мослиги	Дарахт турларининг маҳаллий иқлим ва тупроқ шароитига мослиги (масалан, сув кам талаб қиладиган, соя берувчи ва чанг ютувчи дарахтларга устуворлик берилади) – 3 баллгача
6.	Кўкаламзорлаштириш, «яшил бог», «яшил белбоғ»ларни ташкил этиш, сугориш тизимларини ўрнатиш, жумладан, томчилатиш, ёмғирлатиш ва контейнерли (қопли) сугориш тизимини жорий қилиш	Ходимлар сонига ва ташкилот ҳудудига мутаносиб равишда фойзаларда ҳисобланади ва ҳар бири учун алоҳида балл: «яшил бог»ларни ташкил этиш, экилган кўчатларнинг қуриб қолмасдан, кўкариб кетиш даражаси камида 85-90% бўлиши - 5 баллгача; «яшил белбоғ»ларни ташкил этиш - 5 баллгача; сугориш тизимларини ўрнатиш, жумладан, ёмғирлатиш ва контейнерли (қопли) сугориш тизимини жорий қилиш – 5 баллгача дарахтларни зараркунандалардан химоя қилиш, оқлаш, шакл бериш ва ўғитлаш ишларининг тизимли йўлга қўйилгани – 5 баллгача
7.	“Яшил майдон” инфратузилмасини яратиш: Масъулларни бириктириш; Электрон платформа яратиш; Мавжуд барча дарахтларнинг рақамли харитаси ёки паспортини яратиш; Ходимларни кенг жалб қилиш.	Ҳар бир экилган дарахтнинг ташкилотдаги муайян бўлим ёки ходимга номма-ном бириктирилганлиги ва парвариш учун “жавобгарлик тизими”нинг жорий этилгани – 2 балл Экилган дарахтларнинг геолокацияси (GPS координаталари), фотосуратлари ва тури “Yashil park” электрон платформасига (ёки иловасига) тўлиқ ва ўз вақтида киритилгани – 2 балл Ташкилотдаги мавжуд барча дарахтларнинг рақамли харитаси ёки паспорти яратилганлиги – 2 балл Ташкилот ходимларининг кўчат экиш акцияларига жалб этилиши 70 фоиздан ошганда – 2 балл Фақат ўз ҳудуди эмас, балки атрофдаги маҳаллалар, ижтимоий объектлар (мактаб, богча) ёки чўллашишга қарши ҳудудларда ҳам кўчат экиш хайрия тадбирларининг ташкил этилгани – 2 балл
8.	Экологик тарғибот ва тарбия	Жамоанинг экологик ташаббуслари интернетда, ижтимоий тармоқларда ва маҳаллий ОАВда ёритилиши – 4 балл Жамоанинг экологик муаммоларга бағишланган сахна кўринишлари, видеороликлари ва кўргазмали материалларининг сифати (мазмунига қараб баҳоланади) – 5 баллгача
9.	Ёшларнинг экологик маданиятини ошириш ва уларнинг экологик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш	Ёшларнинг экологик маданиятини оширишга оид семинар-тренинг, конференция ва б. тадбирлар – 3 балл Ёшларнинг экологик ташаббусларининг амалиётга тадбиқ этилиши – 5 баллгача

Т/р	Кўрсаткич номи	Баҳолаш мезонлари*
10.	“Экотуризм” акцияси	Ёшлар иштирокида экологик юришлар, кўкаламзорлаштириш, чиқиндиларни йиғиш акциялари, экологик фото ва видеолойihalар (мазмунига қараб баҳоланади) – 4 баллгача
11.	“Тоza ҳаво” умуммиллий лойиҳаси доирасида, жамоанинг “Автомобилсиз кун”, “Автомобилсиз hafta” акциялари	Ҳар ойнинг 10 ва 25 саналарида “Автомобилсиз кун”, “Автомобилсиз hafta” акциялари узлуксиз ва тизимли амалга оширилиши – 5 баллгача
12.	Иш жойларида “Яшил иш ўринлари” жорий этилиши	Ташкилот қайта тикланувчи энергия (куёш, шамол, сув)ларни жорий этиши орқали иш ўринларидаги меҳнат шароитларини яхшилагани – 5 баллгача
13.	<p>Энергия тежамкорлигини таъминлаш ва табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш:</p> <p>энергия тежовчи ускуналар ва технологияларни жорий қилиш;</p> <p>диодли (LED) лампалар, тежамкор энергия қурилмаларидан фойдаланиш;</p> <p>муқобил энергия манбалари, жумладан, куёш панеллари ва шамол турбиналарини жорий қилиш;</p> <p>бино ва иншоотларда табиий ёруғликдан кенг фойдаланиш;</p> <p>бино ва иншоотларда энергияни тежаш учун юқори сифатли изоляциядан фойдаланиш;</p> <p>сувни тежайдиган қурилмалар ва технологияларни жорий этиш;</p> <p>ёмгир сувларини тўплаш ва улардан фойдаланиш;</p> <p>оқова сувларни тозалаш иншоотларини ўрнатиш ва оқова сувлардан қайта фойдаланишни (10 — 20 фоизга) ташкил этиш.</p>	<p>Ходимлар сонига ва ташкилот худудига мутаносиб равишда фоизларда ҳисобланади ва ҳар бири учун алоҳида балл:</p> <p>энергия тежовчи ускуналар ва технологияларни жорий қилиш 70 фоиздан ошганда – 2 балл</p> <p>диодли (LED) лампалар, тежамкор энергия қурилмаларидан фойдаланиш 100 фоиз бўлганида – 2 балл</p> <p>муқобил энергия манбалари, жумладан, куёш панеллари ва шамол турбиналарини жорий қилиш 40 фоиздан ошганда, ҳар бири учун алоҳида – 2 балл</p> <p>бино ва иншоотларда табиий ёруғликдан кенг фойдаланиш 75 фоиздан ошганда – 2 балл</p> <p>бино ва иншоотларда энергияни тежаш учун юқори сифатли изоляциядан фойдаланиш 70 фоиздан ошганда – 2 балл</p> <p>сувни тежайдиган қурилмалар ва технологияларни жорий этиш 80 фоиздан ошганда – 2 балл</p> <p>ёмгир сувларини тўплаш ва улардан фойдаланиш йўлга қўйилган бўлса – 2 балл</p> <p>оқова сувларни тозалаш иншоотларини ўрнатиш ва оқова сувлардан қайта фойдаланишни (10 — 20 фоизга) ташкил этиш йўлга қўйилган бўлса – 2 балл</p>

T/p	Кўрсаткич номи	Баҳолаш мезонлари*
14.	Ташкилотнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш, атмосферага зарарли моддалар ташламаларини онлайн мониторинг қилиш тизминини жорий этиш ва атмосфера ҳавосига ташламаларни камайтириш учун қуввати 99,5 фойз филтёр ўрнатиш.	Филтёр ўрнатилгани учун – 5 балл
15.	Ташкилот томонидан яшил лойиҳаларни жорий этиш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматларни кўрсатишда технологик жараёнларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш (кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан таққосланган ҳолда).	Ўтган йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи учун – 5 балл

**Изоҳ:**

\* - Белгиланган кўрсаткичдан кам бўлганида балл берилмайди.